

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyihaning nomi: O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-sonli Qonuni hamda 22.04.2021-yildagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli Qonuni va 27.09.2018-yildagi "O'zbekiston Respublikasining davlat xaridlari to'g'risidagi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3953-sonli Qarorlariga asosan;

Mirishkor tuman hokimligi obodonlashtirish boshqarmasi hamda ikkinchi tomondan "VEZUCHIY INVEST" XK o'rtasida, umumiy summasi 139 500 000 so'm bo'lgan Mirishkor tuman 4p92 Qarshi-Jeynov-Pomuq yo'lining 68-kmga Svetafor chiroqlari o'rnatish ishlari uchun pudrat shartnomasi to'g'risida;

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot;  
Mirishkor tuman hokimligi obodonlashtirish boshqarmasi, 2022-yil 24-may

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Mirishkor tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**  
2022-yil 26-may.



**Z.S.Tursunov**

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 12

2022 йил 27 06

Кейинги ўриларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Миришкор туман Ободонлаштириш бошқармаси устав асосида иш кўрувчи С.Шокулов бир томондан ва "VEZUCHIY INVEST" ХК кейинги ўриларда "Пудратчи" деб юритиладиган низом асосида иш кўрувчи Н.Нуриддинов Миришкор туман 4p92 Қарши Жейнов Помук йўлининг 68-кмга Светофор чироқлари ўрнатиш ишлари учун мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ишчи хужжатлари** - натурала бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъмул бўлган шахслар томонидан уларга юритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи ҳисобларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи қилмашлар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги даволатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги даволатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг янқа тартибдаги синови тўғрисидаги даволатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида даволатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйиладан ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйиладан;

**вақтинчалик ишхоналар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва асослигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиҳада қўзда тутилган объектни фойдаланишига тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шартнолар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БҮЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдои (тендер) натижасида аниқланган ва конкурс комиссиясининг қарори (2022 йил №86752- сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соҳилар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 139 500 000 сўм (Бир юз ўттиз тўққиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади

(сўмма ёзув билан)

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қаёта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини қупайтиришига снгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатларни сабаб бўлганда;  
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;  
объектнинг қурилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаш гириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга - иловига мувофиқ ишларни бажариш мақдасида назарда тутилган ҳақмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

— иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорга жойлаш ва сақлаш;

Буюртмачининг пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва минтақа тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш.

мазкур шартнома бўйича объектнинг фойдаланишга қабул қилиб олинган тўғрисидаги даволатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони кўрик-назоратини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_\_\_-иловага мувофиқ ишларни баъшириш учун асосли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда даволатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қабул этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш; Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш.

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига \_\_\_-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;  
кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонуни ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кунга қиради. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31- декабргача

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 10 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% фонзи миқдоридан аванс ўтказди, бу 41 850 000 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва иш қилиш бажариш жадваллари асос ҳисобланади (-илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган аванснинг ҳисобга олган қисми, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар қийматининг қамда 45 фоизи миқдоридан;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдоридан, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунгача қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунгача қадар объектнинг тасодифий вўк қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажарилган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини елма равишда



хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўхтисиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мақсуд шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг ва зифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги қарорнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги қарорнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлаштириш схемалари ва жадвалларини сактайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни қарорнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланганидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давлат архитектура-қурилиш назорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш қарорномалари ҳамда уларнинг "Давлат архитектура-қурилиш назорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви қарорномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг инсталл қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатини бажаришнинг аниқлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қўли билан ва қурилиш қиймати билан қўлайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилишган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полчасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни суғуртиришда ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бериши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тавом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилини олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилаётганлиги билан боғлиқ ҳужжат қилини, қурилиш

техникасининг ишдан чиқариш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### IX. ИШЛАРНИ ҚУРИҚЛАШ

39. Пудратчи ишлар бошланганидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар ишлари тўсатган қурилиш майдонини ҳудудда материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай юсман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қилади.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша оломасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### XI. ҚУРИЛИШНИ ТУГАЛДАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ОЛИШ

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиш шартномани имзолаш сўрасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилганидан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёриги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришомаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланганидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусxada иккун хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўғрисида амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### XII. КАФОЛАТЛАР

48. Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланганидан қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификациялари, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қараيدиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 10 ой этиб белгиланади. Объект томонининг кафолатли муддати камида 3 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолангандан беш тўртта таъсирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитекстуриликназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хужжатли суддаги мураббат қилишини истисно этмайди.



### ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИНИ

52. Буюртмачи шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда, ишларнинг тугатилишининг маъқул шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш эҳтиёжидан рўя этилмаганда, Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бўзилганда, қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
53. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда; Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЎЎҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди; Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.
59. Мазкур шартномага тегишчан иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига рўя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузилиши учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлалиши Буюртмачининг шартнома шартлари бўлиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.
60. Шартномада мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини таъдидлашдан асосан равишда бош тортиданлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи таъдидлашни рад этган ёки бош тортидан суммасининг 0,5 фоизи миқдорига жарима тўлайди.
61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузилиши учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан тегишчан нуқсонлар ва камиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажарилишининг ёки хизматлар кўрсатилишининг кечиктириши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.
62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Даврархитектуралиш назорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортишни, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорига жарима ўлчириш ҳуқуқига эга.
63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган ишларнинг ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан юзланиган ҳаракатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдази инфоқилинидан пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.
64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларини ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.
65. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
66. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортиментини ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қўйиладиган ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар)

қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

67 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

68 Мазкур шартнома имзолангандан кейин мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, езишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотадди.

69 Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, суфпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

70 Мазкур шартномага барча ўзгартiriш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

71 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартiriшлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

72 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

73 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

74 Бош пудратчи ёрдамчи пудратчига 04% гача устама олиши мумкин.

75 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусxada тузилди.

#### XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

##### Буюртмачи:


Миришкор туман ҳокимлиги  
Ободлаштириш бошқармаси.  
Манзил: Янги миришкор шаҳарчаси.  
тел: факс.652-18-19  
ШХВ:  
ИНН: 207095441  
ОКОНХ: 97600  
Молия вазирлиги газначилик ягона газна  
ҳисоб варағи.

Х/Р: 23402000300100001010

Банк номи: Тошкент Марказий банки ХККМ

МФО: 00014 : ИНН: 201122919

Рахбар:



С.Шокулов

(ИМЗО)



##### Пудратчи:

“VEZUCHIY INVEST” ХК  
Манзил: Яккабоғ тумани Янгиобод МФЙ  
Телефон: 99-590-73-77  
Х/Р: 20208000205368537001  
Банк номи: Микро кредит банк Чирокчи  
туман филиали  
МФО: 00175 ИНН: 308351239  
ОКОНХ:

Рахбар:



Н.Нуриддинов

«VEZUCHIY INVEST»

ИМЗО.



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 86752 на приобретение Миришкор тумани 4р92 Карши Талликургон Карши Жейнов Помик йулининг 68-кмга Светофор чироклари урнатиш**

Способ проведения электронный

Дата 24.05.2022

Время рассмотрения 24.05.2022 16:30

Конкурсная комиссия Миришкор туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SHOQULOV SARDOR BAHODIROVICH	Рахбар	Миришкор тумани Ободонлаштириш Бошкармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	ESHONQULOV NAJMIDDIN TOLLIYEVICH	Комиссия аъзоси	Миришкор туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	OCHILOV YOQUBJON YUSUFOVICH	Иктисодчи	Миришкор тумани Ободонлаштириш Бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	KENJAYEV NIZOMJON JO'RAQULOVICH	Бош хисобчи	Миришкор тумани Ободонлаштириш Бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	QURBONOV MEHRIDDIN SHERMATOVICH	КУБ	Миришкор тумани ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	CHORIQULOV AKRAM SHODMONQULOVICH	Хужалик мудири	Миришкор тумани Ободонлаштириш Бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 24.05.2022 года № лота 86752.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Светофор</b>
Подробное описание	Миришкор тумани 4р92 Карши Талликургон Карши Жейнов Помик йулининг 68-кмга Светофор чироклари урнатиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	142 295 345.00
Стартовая сумма	142 295 345.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ташкилот гувоҳномаси ва рахбар паспорт нухаси

Тип: Текстовое значение



Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	40	40	31	Экспертная		
XK VEZUCHIY INVEST	40	Ташкилот гувоҳномаи ва раҳбар паспорт нусхаси	40	Экспертная		

Критерий №2 Махсус техника ва малакали мутахасислари мавжудлиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	30	30	21	Экспертная		
XK VEZUCHIY INVEST	30	Махсус техника ва малакали мутахасислари мавжудлиги тугрисида маълумотнома	30	Экспертная		

Критерий №3 Солик ва банкдан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	30	30	17	Экспертная		
XK VEZUCHIY INVEST	30	Солик ва банкдан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома	30	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
XK VEZUCHIY INVEST	142 295 345.00	139 500 000.00	24.05.2022 09:19:59	27.24
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	142 295 345.00	126 642 900.00	20.05.2022 20:06:51	30.00

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ХК VEZUCHIY INVEST</b>	70	27.24	97.24
<b>GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ</b>	48.3	30	78.3

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 86752 от 24.05.2022 года на приобретение Миришкор тумани 4р92 Карши Таллижургон Карши Жейнов Помик йулининг 68-кмга Светофор чироклари урнатиш определила победителем:

**ХК VEZUCHIY INVEST**  
308351239

и резервный исполнитель: **GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ (301667403)**

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	<b>SHOQULOV SARDOR BAHODIROVICH</b>	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	<b>QURBONOV MEHRIDDIN SHERMATOVICH</b>	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	<b>OCHILOV YOQUBJON YUSUFOVICH</b>	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	<b>KENJA YE'V NIZOMJON JO'RAQULOVICH</b>	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	<b>CHORIQULOV AKRAM SHODMONQULOVICH</b>	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП